



Одамзот Ернинг биринчи эгаси эмас

Ислом ҳеч қачон илмнинг ривожига қарши бўлган ва илм билан исботланган нарсаларнинг ҳақлигини инкор этган эмас.

Тарихчи олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Одам отанинг яратилганига ўн минг йилга яқин муддат бўлган.

Археолог олимлар эса Ер юзининг турли бурчакларида топилган ва ҳозиргача сақланган инсон қалла суяқларини текшириб, уларнинг яшаган даврини етти юз эллик мингдан бир миллион йилгача аввал яшаганлигини тахмин қиладилар. Қуръони қарим уларнинг тахминини рад этмайди, аксинча Одам отадан аввал ҳам Ер юзида инсон яшаган бўлиши мумкинлигига ишора қилади:

«Эсланг, (эй Мухаммад), Раббингиз фаришталарга: «Мен Ерда халифа яратмоқчиман», деди.

Уламоларнинг айтишларича, Ерда аввал ҳам бир неча бор инсон тоифаси яшаган. Улар инкирозга учраб, Ер юзида бузгунчилик қилишган, бир-бирларини ўлдиришган.

«Халифа»нинг маъноси, ўзидан аввалгиларга ўхшаганларнинг қелиши бўлгани учун, фаришталар Аллохнинг сўзидан ажабланишиб дедилар:

«Унда (Ерда) бузгунчилик қиладиган (ноҳақ равишда) қонлар тўқадиган қимсани яратмоқчимисан?»

Баъзи муфассирларнинг айтишларига караганда, Ерда аввал олти марта инсон авлоди яратилган ва яшаган бўлиб, еттинчиси Одам отанинг авлодларидир. Кўпгина муфассирлар эса, Ерда Одамдан олдин одам кийёфасидаги Жон ва унинг авлодлари жинлар яшаган, дейдилар.

Рахматуллох кори Обидовнинг

"Пайгамбарлар тарихи исломият тарихидир" китобидан